

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2022 йил 1 июль

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,
раислик қилувчи З.Омонов,
З.Эргашевнинг котиблигида,
тарафлардан Қува тумани прокурори ёрдамчиси Х.Комилжонов,
судланувчининг ҳимоячиси – адвокат Д.Рустамова ва жабрланувчи
вакили А.Тошқонов қатнашувида,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан
айбланган,

Эгамова Сарвиноз Равшан қизи (Egamova Sarvinoz Ravshan qizi), 1999 йил 11 март куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, турмушга чиқмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қува тумани, Янгиобод МФЙ, Баркамол кўчаси 16-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини 2022 йил 31 май куни олганга оид,

1-1517-2201/179-сонли жиноят ишини Қува тумани, Маданият уйи биносида сайёр суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувини, тарафлар музокараси ҳамда судланувчининг охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Эгамова Сарвиноз ўзга уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиб қасддан жиноят содир этган.

Жумладан, судланувчи С.Эгамова 2021 йил 9 май куни Қува тумани, Янгиобод МФЙ, Обихаёт кўчаси 20-уйга ғайриқонуний тарзда кириб, хонадон ётоқхонасидан жабрланувчи З.Тошқонованинг 675.000 сўм пулларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, судланувчи С.Эгамова томонидан ўғирланган пуллардан 350.000 сўм ва ўғирланган пуллар ҳисобидан сотиб олинган парфюмерия буюмлар ашёвий далил тариқасида олиниб, жабрланувчига қайтарилган.



Судланувчи С.Эгамова судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, жабрланувчи З.Тошконова дугонаси экани, 2022 йил 9 май куни моддий тарафдан қийналгани учун З.Тошконованинг яшаш хонадонига кириб, уй ётоқхонасидан 675.000 сўм пулларни ўғирлаб олгани, ўзи қилмиши учун жабрланувчидан кечирим сўрагани, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплангани ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини айтиб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи З.Тошконованинг вакили А.Тошконов судда кўрсатув бериб, 2022 йил 9 май куни уйдан 675.000 сўм пуллари йўқолганини билиб, бу ҳақда ИИБга хабар бергани, ИИБ томонидан кўрилган чоралар натижасида, уйдан 675.000 сўмни турмуш ўртоғининг дугонаси С.Эгамова ўғирлагани аниқлангани, ҳозирда етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу сабабли С.Эгамовага нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Матҳолиқов судда, 2021 йил 9 май куни яшаш хонадонидан 675.000 сўм пуллар йўқолганини билгани, ИИБ томонидан олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари давомида, ўғирликни С.Эгамова содир этилгани аниқлаганини баён этди.

Судланувчи С.Эгамова судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлсада, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган жабрланувчининг аризаси, ашёвий далилни олиш, воқеа жойи ва ашёвий далилни кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан С.Эгамованинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, С.Эгамова ўзга уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, жабрланувчи З.Тошконованинг мулкани яширин равишда талон-торож қилган.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандида, “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”-деб баён этилган раҳбарий кўрсатмасига асосланиб, судланувчи С.Эгамованинг содир этган айбига тўлиқ иқрор ва ундан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, 23 ёшда бўлиб турмушга чиқмагани, жиноят предмети 675.000 сўм пуллар бўлиб, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани ва



жабрланувчининг судланувчига енгиллик беришни сўрагани ҳамда судланувчи яшайдиган Янгиобод МФЙ томонидан судга енгиллик беришни сўраб киритилган илтимосномани эътиборга олиб, судланувчи С.Эгамованинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлгани сабабли, унга ЖК 71-моддасини қўллаб, уни жазодан озод қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Эгамова Сарвиноз Равшан қизи (Egamova Sarvinoz Ravshan qizi) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Эгамова Сарвиноз Жиноят кодекси 71-моддасига мувофиқ жазодан озод этилсин.

Судланувчи С.Эгамовага қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи З.Тошконовага етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилингач, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олгач йигирма сутка ичида Фарғона вилояти судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест беришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

З.Омонов

